

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Термиз туман Кенгашида навбатдаги доимий комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Термиз туман Кенгаши томонидан партиянинг “Адолат-қонун устуворлигида” лойиҳаси доирасида туман ташкилотлари томонидан ходимлар меҳнат фаолиятига оид ҳужжатларни давлат архивларига топшириш ҳолати тўғрисида Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати, Ўзбекистон Адолат СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Шухрат Ҳайитовнинг ҳисоботи тингланди.